

## PUDRAT SHARTNOMASI

**Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Ободонлаштириш бошкармаси номиидан**

(буюртмачининг номи)

Низом асосида иш курувчи Ж.Абдиев бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Модернизация маҳсус сервис» МЧЖ Номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Раззақов иккинчи томондан, Нурли йўл МФЙ Яшинаобод қишлоғи ички автомобиль йўлини 1.800 қисмини жорий таъмиrlаш обьектни фойдаланишга тайёр холда куришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### **I. Таърифлар**

#### **1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:**

**ижро** хужжатлари — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргалиқда обьект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралик, даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатно-малар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

**курилиш майдони** — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;

**вактинчалик иншоотлар** — Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вакгинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар**— сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини булиб чикиш** — ишларнинг хар бир боскичи ва/ёки турлари кийматини аник белгилаган ҳолда шартнома буйича обьектнинг умумий кийматини босқичларга таксимлаш.

### **II. Шартнома мавзуси**

**2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Нурли йўл МФЙ Яшинаобод қишлоғи ички автомобиль йўлини 1.800 қисмини жорий таъмиrlаш лойихада кузда тутилган обьектни фойдаланишга тайёр холда куриш буйи-ча курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига курилиш**

ишиларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома буйича ишилар киймати

3. Мазкур шартнома буйича Пудрагчи томонидан бажарилган, тандов савдоси (тендер) натижасида аникланган ва тендер комиссиясининг карори (**2022 йил «17» ноябрдаги 186698-сон баённома**) билан тасдикланган ишилар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда жорий нархларда **950 000 000 (Түккиз юз эллик миллион)** сўмни ташкил этади.

4. Ишилар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-ма-жор) холатлари сабаб булганда;
- ишилар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортиқда узгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ, булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюрт-мачи билан Пудрагчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудрагчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома буйича Пудрагчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишиларни бажариш учун:

— барча ишиларни мазкур шартномада хамда унга мувофик ишиларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

—курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишиларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дараҳтларни ва ер участкасини мухрфаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклар урнатиш;

— курилиш таваккалчилкларини сугурта килиш;

— мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бушатиш;

— курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

— мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудрагчи мазкур шартнома буйича барча ишиларнинг Уз кучлари билан ва субпудрагчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда

объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учуй Бўюргачи олдида тулик. мулкий жавоб беради.

#### **V. Бўюргачининг мажбуриятлари**

##### **9. Мазкур шартномани бажариш учун Бўюргачи:**

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган

курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

— ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

— Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;

— молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига муво-фик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчи-га ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

— мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

##### **10. Шартнома:**

— миллий валюта «сумда» узаро хисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

— кейинчалик ЭАВга конвертация килган холда миллий валютада «сумда» узаро хисоб-китоб килинганда — шартнома конун хужжатларига мувофик, руйхатдан утказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси буйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан **60** кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

#### **VII. Туловлар ва хисоб-китоблар**

14. Бўюргачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида, бу **28500000** сўмни ташкил этади.

15. Бўюргачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматининг крлган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудрагчи уртасидаги узил-кесил хисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда кабул килингандан кейин икки боскичда:

— объект кабул комиссияси томонидан кабул килингандан кундан бошлаб бир ой мобайнида ишлар кийматининг камида 45 фоизи микдорида;

— мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом булгандан кейин ишлар кийматининг 5 фоизигача микдорида, бирок, молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудрагчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартно-мабуйича объектга мулк хукукини узида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудрагчининг зиммасида булади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудрагчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудрагчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тулашдан озод килинмайди.

### VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини техник аудитори тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудрагчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофикалигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудрагчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Тех-ник аудитор Пудрагчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида иш-ларни амалга ошириш чогида пайдо булувчи масалаларни хал килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудрагчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI булимида курсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудрагчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудрагчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома би-лан бир вактда Пудрагчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етиши маётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булиш укларининг мувофикалиги тугри жойлашганини учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни уз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия булиш ишларида урнатиладиган координатлар, баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклади, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома буйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи узи томонидан курилишида кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик булишини хамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлади.

32. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

33. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюрт-мачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик кабул килиш далолатномалари хамда уларнинг «Давархитекткурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатно-малари билан тасдикланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу хакида хабардор килинмаган булса, ёки кечикиб хабардор килинган булса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четта чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини хисботласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тулайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чикариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи иш-ларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, иш-ларнинг кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан бодлик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши Тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища курсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чоратадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни куриклаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуна-лар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ус-куналар ва бошка мол-мулк объект кабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб булмайдигай куч (форс-мажор) холатлари**

41. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарлишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равища узайтирилади.

42. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан күп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичидә келишә олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## **XI. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш**

44. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолап санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.;

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тутрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида кабул килиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V булимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқдаши керак.

47. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

- барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;
- Узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутлувчи

буюмлар, конструкция ва тизимлар сифати-ни, уларнинг лойиха хужжатларидан курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килишини;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш тутрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланаб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг уз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чикиш «Давархитекткурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича иқтисодий судига мурожаат килишини истисно этмайди.

### XIII. Шартномани бекор килиш

52. Буюртмачи:

— шартнома кучта киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вакдга кечиктирилганда;

— ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмагандан;

— Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

— конун хужжатларига мувофик; бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килип хукукига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик, булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб куйилганда;

— Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандан;

— конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

54. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор килишига карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

### XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

— иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди;

— Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тутрисида»ги Узбекистон Республикаси Конунида, бошка конун )хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишили иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя килимаганлиги, уз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудрат-чига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

60. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган

61. Пудратчи объектни уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбуриятла-рини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисми учун фоиз туланди

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.5 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пеняning умумий суммаси сифатсиз бажа-рилган ишлар кийматининг 0.2 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик. булмаса, у холда Буюртмачи «Давархитекткурилишназорат» инспекциясининг холосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортиси, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 0.2 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

63. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур муддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мulkнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

#### XV. Низоларни хал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган за-рарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томони-дан қуриб чикилади.

## XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

67. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмайди.

68. Мазкур шартномага барча узгартириш ва күшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага күшимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида унга тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечикитиришга хаклидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.

Шартнома муддати 31.12.2022 йил

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари

### «БУЮРТМАЧИ»

Қамаши туман Ободонлаптириш  
МЧЖ бошкармаси  
ш/х: 401722860102207045204140008  
Камаши Агробанк МФО: 00160  
ОКОНХ 90211  
ИНН : 206946624  
Молия Вазирлиги Газиначилиги  
23402000300100001010  
ИНН: 201122919  
МФО: 00014 Марказий банк Тошкент ш.  
Бошлиқ : \_\_\_\_\_ Ж.Абдисев

### «ПУДРАТЧИ»

«Модернизация маҳсус сервис»  
х/р 20208000604875266001  
Алоқа банк Қарши шахар  
ИНН: 301744330  
МФО: 00990



Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.  
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR  
Code ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH.

JUMANAZAR ABDIYEV  
BEGIMQULOVICH

Imzolangan sana	21.11.2022 14:50
Hujjat kodi	<b>HZ5857715776</b>
Hulosa kodi	<b>QG3307207664</b>

- sonli shartnomaga  
ILÒVA

## **Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI**

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni **Qamashi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi** xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergen shaxsnинг manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

pora berishni taklif qilish yoki va'da berish;  
tovlamachilik qilish;  
pora sifatida pul to'lash;  
bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'riliшiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon **Qamashi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi** xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbazarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljalangan ishonch telefoni;  
Telegram-kanali **@ANTIKORBOT**;  
Qamashi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi  
rasmiyveb-saytidajoylashtirilganshaklyokielektronpochta.

### **TOMONLAR:**

**«Modernizasiya maxsus servis» MCHJ**

**Qamashi tuman Obodonlashtirish**

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**QG3307207664**

- 1. Loyihaning turi : Shartnoma**
- 2. Loyihaning nomi: Nurli yo‘l Yashnobod qishlog‘i ichki yo‘lini 1.800 km qismini joriy ta‘mirlash**
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: QAMASHI TUMAN HOKIMLIGI HUZURIDAGI "OBODONLASHTIRISH" BOSHQARMASI tomonidan 21.11.2022 yilda kiritilgan.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qamashi tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**N.E.Xurramov**

**21.11.2022**

Қамаши туман Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи

Ж.Абдиев

21.11.2022 йил

№ 13

Қамаши тумани

Қамаши туман Очиқ бюджет дастири буйича Нурли йул МФЙ Яшнаобод кишлоғи худудида ички автомобиль йулларини жорий таъмирлаш буйича танлов асосида шартнома тузишни ташкил қилиш комиссиясининг

### ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ:

Комиссия раиси

Ж.Абдиев

Аъзолари:

Р.Абдиев

Бош ҳисобчи

Б. Бозоров

Бош мухандис

Х.Кўйлиев

Мутахасис мухандис

А.Тогаев

хужалик мудири

### Кун тартибида қуриладиган масала:

Нурли йул МФЙ Яшнаобод кишлоғи худуди ички автомобиль йулларини жорий таъмирлаш бўйича 2022 йилнинг 17 ноябр ойида “Модернизация маҳсус сервис” МЧЖ билан шартнома қилиш ва шартномани тасдиқлаш тўғрисида.

Комиссия танловга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб Нурли йул МФЙ Яшнаобод кишлоғи ички автомобиль йулларини жорий таъмирлаш бўйича 5та қурилиш ташкилотлари қатнашаётганлигини эълон қилди.

Танлов бўйича 2022 йил 17 ноябр кунида лот № 186698 сонли протокол эълон куйилгандан кейин 2 та қурилиш ташкилотлари ўз таклифлари билан қатнашди ва энг юкори балл “Модернизация маҳсус сервис” МЧЖ олди ва 2 кун мухокамада куйилди хамда бошка эътироzlар булмагандан кейин “Модернизация маҳсус сервис” МЧЖ билан шартнома тузилди. Танлов комиссияси қарор қиласиди:

1. “Модернизация маҳсус сервис” МЧЖ танлов ғолиби деб топилсин.

2. Нурли йул МФЙ Яшнаобод кишлоғи ички автомобиль йулларини жорий таъмирлаш лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш мутахасис мухандис Х.Кўйлиевга топширилсин.

3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош ҳисобчи Р.Абдиевга юклатилсин.

Комиссия раиси раиси:

Ж.Абдиев

Аъзолари:

Р.Абдиев

Бош ҳисобчи

Б. Бозоров

Бош мухандис

Х.Кўйлиев

Мутахасис мухандис

А.Тогаев

хўжалик мудири

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 186698 на приобретение Камаши туман Нурлийул Яшнаобод кишлоги ички йулини 1,800 км кисмини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 17.11.2022

Время рассмотрения 16.11.2022 20:59

Закупочная комиссия Камаши Ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ABDIYEV JUMANAZAR BEGIMQULOVICH	Рахбар	Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	ESHMURADOVA ZULFIYA SUYUNOVNA	Котиба	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	TAG'AYEV AKRAM QARSHIYEVICH	Мутахасис	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	BOZAROV BAYRAMALI RASHIDOVICH	Мухандис	Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	QUYLIYEV XOLMUMIN QUVVATOVICH	Бош мутахасис	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	ABDIYEV RUZIMURAT YULDASHOVICH	Бош хисобчи	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.11.2022 года № лота 186698,

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 97.00 / Весовой коэф. ценовой части: 3.00)

Мин. балл: 42

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Камаши туман Нурлийул Яшнаобод кишлоги ички йулини 1,800 км кисмини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	974 999 968.00
Стартовая сумма	974 999 968.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Низом ва гувохномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. СТИР ракамлари. Статистик маълумотлар

Тип: Текстовое значение

**Описание:** Низом ва гуохномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. СТИР ракамлари. Статистик маълумотлар

**Обязательность:** Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MAGNIT SAVDO INVEST MCHJ	10	10	8	Экспертная		
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	8	Экспертная		

**Критерий №2 Тегишли техника ва асбоб ускуналари**

**Тип:** Текстовое значение

**Описание:** Тегишли техника ва асбоб ускуналари

**Обязательность:** Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MAGNIT SAVDO INVEST MCHJ	20	20	16	Экспертная		
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	20	20	16	Экспертная		

**Критерий №3 Рейтинг даражаси йул курилиш категориясига эга ташкилотлар булиши шарт**

**Тип:** Текстовое значение

**Описание:** Рейтинг даражаси йул курилиш категориясига эга ташкилотлар булиши шарт

**Обязательность:** Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MAGNIT SAVDO INVEST MCHJ	20	20	14	Экспертная		
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	20	20	16	Экспертная		

**Критерий №4 Ишчи ходимлар тугрида маълумотнома 40 кишидан кам булмаслиги керак**

**Тип:** Текстовое значение

**Описание:** Ишчи ходимлар тугрида маълумотнома 40 кишидан кам булмаслиги керак

**Обязательность:** Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MAGNIT SAVDO INVEST MCHJ	15	15	11	Экспертная		
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	15	15	11	Экспертная		

**Критерий №5 Солик карздорлиги булмаслиги ва молиявий хисоботлари, айланма касса маблаглари**

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик карздорлиги булмаслиги ва молиявий хисоботлари, айланма касса маблаглари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MAGNIT SAVDO INVEST MCHJ	10	10	8	Экспертная		
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	8	Экспертная		

Критерий №6 Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати тақдим этиши шарт (Кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги; буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати тақдим этиши шарт (Кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги; буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MAGNIT SAVDO INVEST MCHJ	10	10	8	Экспертная		
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	8	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с . учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	974 999 968.00	950 000 000.00 UZS	950 000 000.00	00.00	950 000 000.00	16.11.2022 14:23:54	3
MAGNIT SAVDO INVEST MCHJ	974 999 968.00	974 000 000.00 UZS	974 000 000.00	00.00	974 000 000.00	16.11.2022 14:13:08	2.92608

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	76.45928	3	79.45928
MAGNIT SAVDO INVEST MCHJ	74.17687	2.92608	77.10295

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 186698 от 17.11.2022 года на приобретение

Камаши туман Нурлийул Яшнаобод кишлоги ички йулини 1,800 км кисмини жорий таъмирлаш определила победителем:

MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS  
301744330

и резервный исполнитель: MAGNIT SAVDO INVEST MCHJ (303448981)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ABDIYEV JUMANAZAR BEGIMQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	TAG'AYEV AKRAM QARSHIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	BOZAROV BAYRAMALI RASHIDOVICH	Согласен	
Член комиссии	QUYLIYEV XOLMUMIN QUVVATOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDIYEV RUZIMURAT YULDASHOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

